

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Вахобжонов Дилмурод Дилшод ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва криминология кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада мграцияни тартибга солиш бўйича тартиби, ҳуқуқий асослари ҳамда миграция қоидаларни бузганлик маъмурий ва жиноий жавобгарлик қўлланилишига доир айрим жиҳатлари норматив-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: миграция, сертификат, паспорт, паспорт тизими, паспорт-виза тизими, фуқаролик хизмати, рухсатнома расмийлаштириш, миграцион карта тизими.

**ОСОБЕННОСТИ О РЕГУЛИРОВАНИИ МИГРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН**

Аннотация. В статье дан нормативно-правовой анализ порядка регулирования миграции, правовых основ и отдельных аспектов применения административной и уголовной ответственности за нарушение миграционных правил.

Ключевые слова: миграция, сертификат, паспорт, паспортная система, паспортно-визовая система, гражданская служба, выдача разрешений, система миграционных карт.

REVIEWS ON MIGRATION REGULATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Annotation. The article provides a regulatory analysis of the procedure for regulating migration, the legal framework and certain aspects of the application of administrative and criminal liability for violation of migration rules.

Keywords: migration, certificate, passport, passport system, passport and visa system, civil service, issuance of permits, migration card system.

Жаҳонда глобаллашув ва интеграциалашув жараёнларининг тезлашиши натижасида миграция оқимининг кучайиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж билан бир қаторда, шахсининг эркин кўчиб юриши (ҳаракатланиши), яшаш учун турар жой танлаши, шунингдек фуқароликка доир ҳуқуқларини самарали қафолатлаш заруратини юзага келтирмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда паспорт тизимини таъминлаш соҳаси тубдан ислоҳ этилди. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида: давлат хавфсизлиги, конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилишнинг сифат жиҳатидан янги тартиб-таомилларини ўрнатиш; фуқароликка қабул қилишни кенгайтириш ва сиёсий бошпана бериш тартибини жорий этиш орқали шахс ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш даражасини ошириш; «...хорижга чиқиш визаси сингари умрини ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқларини бекор қилиш», паспорт тизими тартиботларини мутлақо мақбуллаштириш, фуқароларнинг эркин ҳаракат қилишига халақит бераётган бюрократик тўсиқ ва коррупцион ҳолатларни олдини олишга қаратилган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда[1].

Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида паспорт тизими намоён бўлади. Ҳозирда мамлакатда паспорт тизимини тартибга солувчи қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, унинг асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги (1992), «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги (2011) қонунлари, давлат раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармонлари, 2017 йил 11 июлдаги «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3126-сон қарори[2] ва бошқа ҳужжатлар ташкил этади.

«Паспорт тизими» тушунчаси илк бор собиқ иттифоқ Совет халқ комиссарияти ва Марказий ижроия қўмитасининг 1932 йил 27 декабрдаги қарори билан муомалага киритилган. Бироқ ҳозирда мазкур тушунча кўпчилик давлатлар қонунчилигида қўлланилмайди. Жумладан, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина давлатлари маъмурий қонунчилигида, яъни маъмурий кодексларида «паспорт тизими» атамаси ҳали ҳам қўлланилса, Молдова, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Туркменистон қонунларида эса, мазкур тушунчадан фойдаланилмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ратификация қилиниши фуқароларимизнинг бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишга оид ҳуқуқларининг кафолати бўлиб хизмат

қилмоқда. Хусусан, 1944 йил 7 декабрдаги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 3 июлда қўшилган ҳамда 1992 йил 12 ноябрдан бошлаб, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО)нинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) Монреаль Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаро паспортларининг жорий этилишини таъминлаши шартлиги белгилаб қўйилган.

Конвенция талабларини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4117-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт тизимига ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4262-сон фармонига кўра паспорт тизими тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш, ундан фойдаланиш, рўйхатга олиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда паспорт тизимини таъминлаш фаолиятининг асосий йўналишларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) шахсни паспортлаштириш фаолияти;
- 2) шахсни прописка қилиш фаолияти;
- 3) паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини (паспорт режимини) таъминлаш фаолияти.

«Шахсни паспортлаштириш» фаолияти ўз ичига фуқаролар ва хорижий шахсларга шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш, бериш, алмаштириш, ҳисобини юритиш, улардан фойдаланиш, ноқонуний деб топиш, бекор қилиш ҳамда олиб қўйиш, ваколатли органларда белгиланган тартибда сақлаш ва йўқ қилиш тартибини олади.

Ўзбекистон Республикасида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар сифатида қуйидагилар тан олинади:

- 1) туғилганлик ҳақида гувоҳнома;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти;
- 3) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси;
- 4) фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси;
- 5) ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома ёки ҳарбий билет;

- 6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти;
- 7) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш паспорти;
- 8) сертификат (Ўзбекистонга қайтиш учун гувоҳнома).

Мазкур ҳужжатлар ичида асосийларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти бўлиб, у биометрик китобча шаклга эга. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ва эгасининг шахсини тасдиқлайди ва 16 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари бундай ҳужжатга эга бўлишлари шарт. Паспорт фуқароларга 10 йил муддатга берилади. Кейин уни алмаштириш талаб этилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, паспорт фақатгина Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланган шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш асослари ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинган. Қонунга мувофиқ мамлакат фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;
- 2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;
- 3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

1, 2 ва 3-бандларда қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсининг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди.

Ўзбекистонда фуқаролик «қон ҳуқуқи» принципи асосида, яъни туғилиш эмас балки ота-онасининг фуқаролигига қараб берилади. Истисно сифатида бир ҳолат мавжуд. Қонуннинг 15-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилиши мумкин:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс уч йил ичида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиш натижасида олинган бўлса;

4) агар шахс чет давлат фойдасини кўзлаб фаолият юритиш ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш орқали жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

5) агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, ундан чиқиш, уни йўқотиш ёки тиклаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан ҳал этилади. Фармон чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳал этилган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига доир ишларни (ҳужжатларни) давлат ичида ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, давлат ташқарисида ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари юритади. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси – Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва бирор бир давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлмаган шахслар учун эса, – уларнинг шахсини ҳам тасдиқловчи ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси доирасида ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси қуйидаги шахсларга берилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга – улар 16 ёшга тўлганларида;

қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш учун рухсатнома олган шахсларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган ва қонунга мувофиқ республика фуқаролиги тугатилган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, аммо Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилмаган ёки қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тугатилган шахсларга.

Хорижий шахслар учун яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга берилади, аммо хорижий давлат паспортининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак, 60 ёшга тўлганда эса, – хорижий давлат паспорти амал қиладиган бутун муддатга берилади. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномаси 5 йил муддатга, 60 ёшга тўлганда эса, – муддатсиз берилади. Яшаш гувоҳномасининг амал қилиш муддати юқорида назарда тутилган муддатларга 5 мартага қадар узайтирилади, шундан сўнг у алмаштирилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ёшидан қатъий назар Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларга хорижга жўнаб кетиш вақтида берилади. У эгасининг шахси ва мақомини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаракатланиш ҳужжати беш йил муддатга берилади. Ҳали 16 ёшга тўлмаган ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган шахсларга туғилган пайтидан бошлаб бир ёшга тўлгунигача – икки йил муддатга, бир ёшдан ўн олти ёшга тўлгунигача – беш йил муддатга берилади. Ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш муддати тугагач, 16 ёшга тўлмаган шахс паспортини уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассаса ва ташкилотлар вакиллари маълумотларни йиғиш пунктига топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқилганда, у ерда бўлинганда ва вақтинча яшаб турилганда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини, унинг эгасининг шахсини ва мақомини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Дипломатик паспорт – рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган мансабдор шахсларга, шунингдек чет элга доимий иш жойига кетаётган дипломатик паспортга эга бўлган шахсларнинг эри (хотини)га ва уларнинг қарамоғида бўлган болаларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилади.

Дипломатик паспортни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти беш йил муддатга берилади.

Сертификат – Ўзбекистонда доимий яшовчи, вақтинчалик чет элда бўлган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат бўлиб, республикадан ташқарида бўлган вақтда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (хорижга чиқиш паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси)нинг амал қилиш муддати тугаган, йўқолган, яроқсизлантирилган ва бошқа ҳолларда расмийлаштирилади ҳамда берилади.

Сертификатда шахс ва унинг 16 ёшга тўлмаган болалари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиб, у кўрсатилган муддат давомида ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда бўлган вақтида паспортининг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда муддати ўтган паспорт консуллик муассасаларига топширилади.

Шахсни таслиқловчи ҳужжатлар – ваколатли давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, ташқи ишлар вазирлиги, муҳофаа вазирлиги ва адлия вазирлиги органлари) томонидан расмийлаштирилади ва берилади.

Паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар деганда эса, – мазкур тартиботларни бузганлик учун жавобгарлик белгиловчи қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган, ғайриҳуқуқий, айбли ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик)лар тушунилади. Амалдаги қонунчиликка кўра паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун асосан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддаси талабларига кўра фуқаро 16 ёшга тўлгач бир ой ичида паспорт олмаса, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаса, паспортни қасддан яроқсизлантирса, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаб, бунинг оқибатида йўқотса — энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жаримага сабаб бўлади.

223³-модда талабларига кўра эса, фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки гаровга олиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кодекснинг 225-моддасига кўра чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тартибда чиқариб юборишга ёки энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан // Электрон манба: <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017> (мурожаат вақти: 20.09.2017);

2. <https://lex.uz/search/all>;
3. <https://lex.uz/search/all>;